

ШАРТНОМА ЛОЙИХАСИ (НАМУНАВИЙ ШАРТНОМАСИ)

Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тўғрисида ШАРТНОМАСИ

3-сон

2022 йил "06" июн

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Нукус тумани Халқ таълими бўлими номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари М.Таджетов бир томондан ва кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритиладиган "NO'KIS ПРОЕКТ" МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи директори А.Тулебаева иккинчи томондан мазкур шартномасини туздилар.

I. Шартнома предмети

1. Бажарувчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ "Нукус тумани №20 Урта мактабни жорий таъмирлаш" жумладан лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, (электрон ва қоғоз кўринишида тақдим этиши шарт), Давлат экспертиза органларида лойиҳа-смета ҳужжатларини ҳимоя қилади, Буюртмачи эса Бажарувчига ишларини бажариш учун зарур лойиҳалаштиришга топшириқни (задание на разработку) тақдим этади, ишларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

2. Мазкур шартнома бўйича Бажарувчи томонидан бажарилган танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (2022 йил "2" июндаги 92556-сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда, шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган бажарилган ишлар калькуляциясига мувофиқ 13 900 000 (Ун уч миллион туккиз юз минг) сўмни ташкил этади.

3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

Иш ҳажми қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;

Ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

III. Бажарувчи ва Буюртмачининг мажбуриятлари

Бажарувчи:

5. Агар ишнинг бажарилиши давомида салбий натижага эришилиши аниқланган тақдирда барча ишларни тўхтатиб, ҳолат тўғрисида уч кунлик муддат ичида Буюртмачини хабардор қилиш;

6. Буюртмачидан махфий маълумотлар олган тақдирда Бажарувчи томонидан ушбу маълумотларни маълум қилмаслик ва Буюртмачининг руҳсатисиз учинчи шахсларга бермаслик;

7. «Бажарувчи» ишни сифатли бажариши, ҳужжатларни барча илмий техникавий ва иқтисодий талабларга ва меъёрларга, Ўзбекистон Республикаси ўрнатилган барча қонунларга риоя этилган ҳолда бажаришга;

8. Бажарувчи томонидан Буюртмачининг барча кўрсатмаларини бажариш ва бажарилаётган ишлар тўғрисида талаб қилинган вақтда ахборот бериб туриш;

9. Бажарувчи томонидан смета ҳужжатларини экспертиза органларида ҳимоя қилишда иштирок этиш.

Буюртмачи:

10. Ишлар бажарилиши устидан доимий назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Бажарувчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Бажарувчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

11. Шартнома талабларига кўра аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш.

IV. Ишларни бажариш муддати

12. Бажарувчи мазкур шартномага мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

13. Танлов натижаси бўйича аниқланган ишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан **иловада кўрсатилган ишларни бажариш графигига асосан** ____ ни ташкил этади.

V. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

14. Буюртмачи Бажарувчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30 % миқдоридан, аванс ўтказида, бу **4 170 000 (турт миллион бир юз етмиш минг)** сўмни ташкил этади.

15. Бажарилган ишлар учун шартномавий жорий қийматнинг қолган қисми Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб ишлар тугаллангандан кейин ва ишлар белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин тўлиқ ҳажмда амалга оширилади:

16. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Бажарувчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VI. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

17. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

18. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Бажарувчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

19. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

VII. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

20. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

21. Мазкур шартномага ва тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Бажарувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,1 % миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг

умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

22. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Бажарувчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

23. Бажарувчи ишларини бажариш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида баргараф этилмагани учун Бажарувчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,1 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Бажарувчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди

24. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

25. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

VIII. Низоларни ҳал этиш тартиби

26. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, етказилган зарарларни қоплашда шунингдек пайдо буладиган бошқа низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Тошкент туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

IX. Алоҳида шартлар

27. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

28. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

29. Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

30. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги конун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

31. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қуйидагиларни кафолатлайди:

- қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини;
- шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини;
- моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз олинмаганлигини.

Тарафлар улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

Тарафлар бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазйик

ўтказиш ёки таҳдид қилиш содир этилишига йўл қўймайди. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

32. Мазкур шартнома тегишли ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтганидан сўнг юридик кучга киради.

33. Шартнома амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабрга қадар.

34. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган **икки нусхада** тузилади.

Х. Коррупцияга қарши шартлар

35. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қуйидагиларни кафолатлайди:

- конунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини;

- шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинмишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини;

- моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз олинмаганлигини.

36. Тарафлар улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

37. Тарафлар бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазйик ўтказиш ёки таҳдид қилиш содир этилишига йўл қўймайди. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт

ХI. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

Буюртмачи:

Нукус тумани Халқ таълими бўлими

Нукус тумани Халқ таълими бўлими

т/с. 1000 21860352057092100075044

Банк: Марказий банк ХККМ

Х/Р: 2340 2000 3001 0000 1010

МФО: 00014 ИНН: 201122919

Раҳбар: *[Имзо]* М.Таджетов

М.У. (имзо)



Бажарувчи:

"NO'KIS PROEKT" МЧЖ

Банк: "Микрокредитбанк" АТБ

Х/Р: 2020 8000 9008 8246 5001

МФО: 00584 ИНН: 305554826

Раҳбар: *[Имзо]* А.Тулебаева

М.У. (имзо)



**Юридикалик аҳамиятга эга ҳужжатнинг қонун ҳужжатларига
мувофиқлиги юзасидан ҳуқуқий
ХУЛАСА**

1. Лойҳанинг номи: Пудрат шартномаси

2. Лойҳанинг мазмуни: Нукус тумани Халқ таълим бўлими ва "NO'KIS ПРОЕКТ" МЧЖ ўртасида "Нукус тумани №20 Урта мактабни жорий таъмирлаш" жумладан лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, (электрон ва қоғоз кўринишида тақдим этиши шарт), Давлат экспертиза органларида лойиҳа-смета ҳужжатларини ҳимоя қилаш тўғрисидаги ишларини бажариш бўйича 13 900 000 сўмлик шартнома лойҳаси.

3. Лойҳанинг ишлаб чиқарувчи ва санаси юзасидан: Лойҳа Нукус тумани ХТБ томонидан 08.06.2022 йили тақдим этилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 353-354-моддасига асос, Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси" тўрисидаги қонуний, "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.09.2017 йилги 3953-сонли Қарори талабларига амал қилинган.

Ушбу шартнома лойҳаси амалдаги ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилинган ва ушбу шартномани тузиш мақсадга мувофиқ.

Нукус тумани

Юридик хизмат курсатиш

марказ бошлиғи



М.Утепбергенов

08.06.2022

Нөкис районы халық билимлендириу бөлиминде қараслы улыўма орта билим бериу мектелери имаратлары төбе бастырмаларының ағаш конструкцияларын өртке қарсы ислеу бериу жумысларын алып барыу бойынша таңлау комиссиясының ең жақсы усынысларды таңлап алыу бойынша өткерилген
6-санлы мәжлис баяннамасы

2022-жыл “ 6 ” июнь

Нөкис районы

<u>Қатнасыўшылар</u>	(Ф.И.Ш)	(Лаўазымы)
<u>Комиссия баслығы</u>	М.Таджетов	Нөкис районы халық билимлендириу бөлими баслығы, комиссия баслығы
<u>Комиссия ағзалары</u>	А.Торешов	Нөкис районы ХББ бас есапшы комиссия ағзасы
	Қ.Қонарбаев	Нөкис районы ХББ АОЭХБ баслығы, комиссия ағзасы
	С.Артықбаев	Нөкис районы ХББ АОЭХБ бас канийгеси, комиссия ағзасы
	И.Минажов	Нөкис районы ХББ Кадрлар бойынша инспектор методист комиссия ағзасы
	А.Халмуратов	Нөкис районы ХББ АОЭХБ канийгеси, комиссия ағзасы

КҮН ТӘРТИБИ:

Нөкис районы халық билимлендириу бөлими - Таңлап алыу комиссиясы баслығы М.Таджетов мәжлисте таңлау комиссиясының 5 ағзасынан 5 адам қатнасып атырғанлығын айтып өтип, таңлау комиссиясы мәжлисин ашық деп жариялады.

Таңлау комиссиясы хаткери таңлау комиссиясына төмендеги мағлыўматларды усинды:

Өзбекстан Республикасының 2021-жылдың 22-апрелдеги 684-санлы “Мамлекет сатып алыулар хақкындағы Нызамының (текстте кейинги орынларда- Нызам) 58-статьясына мууапық ең жақсы усынысларды таңлап алыу өткерилиуи хақкында арнаўлы информатсион порталында (<https://etender.uzex.uz/>) дағаза таңлау қатнасыўшыларының қабыл етиу мүддети тамамланыўынан 5 (бес) жумыс күн алдын мәмлекетлик буйыртпашы тәрепинен жеке кабинети арқалы жайластырылган 2022-жыл 2-июль 92556-санлы лот бойынша хеш кандай шағым келип туспеди.

Өзбекстан Республикасы “Мәмлекетлик сатып алыулар хақкындағы Нызамы талапларына хәмде жоқары көрсетилген мағлыўматларды есапқа алып Таңлау комиссиясы

ҚАРАР ЕТЕДИ:







1. Нөкис районы халық билимлендириу бөлиминде қараслы 20 санлы улыўма орта билим бериу мектелери имаратын ремонт жумысларын ислеу ушын проект смета ислеу жумысларын әмелге асыруи мақсетинде өткерилген таңлап алыуда таңлау хужжетлеринде хәм таңлау шәртлери бойынша ең жақсы шәртлерди усинған хәм таңлап алыу женимпазы деп табылған “NO`KIS PROEKT” ЖШЖти 13 900 000 сум менен шартнама дузилсин.

2. Жеңимпаз мекеме таңлап алыу шәртлери тийкарында шәртнама дүзиуден бас тартқан жағдайда шартнама дүзиу хукуқы кейинги қатнасыўшы (резерв) етип, “GORJILSTROYPROEKT” ЖШЖ белгиленсин. Бунда жеңимпаз қатнасыўшы усыныс еткен суммасынан аспаған муғдарда шәртнама дүзиу мүмкинлиги белгилеп койылсын.

3. Нызам талапларына мууапық таңлау қатнасыўшыларының усынысларын көрип шығуи хәм бахалау мүддети усыныслар бериу тамам болыўынан 10 (он) күнинен асып кетиуи мүмкин емеслиги мағлыўмат ушын қабыл етилсин.

4. Мекеменин бас есапшысы - А.Торешовка танлау алыу жуумагы бойынша женимпазы менен шартнама хужжетлерин таярлау хамде шартнама дузилген сон 3 (уш) жумыс куни ишинде арнаулы информатсион порталына (<https://etender.uzex.uz/>) жайластырыгу тапсырылсын.

5. Танлау комиссиясы хаткери (А.Халмуратов), усы танлап алыу тийисли барлык хужжетлерди белгиленген тартипте сакланыуын тамийнлесин.

<u>Катнасуушылар</u>	<u>Имзасы</u>	<u>(Ф.И.Ш)</u>	<u>(Лауазымы)</u>
Комиссия баслыгы		М.Таджетов	Нөкис районы халык билимлендириу бөлими баслыгы, комиссия баслыгы
Комиссия ағзалары		А.Торешов	Нөкис районы ХББ бас есапшы комиссия ағзасы
		Қ.Қонарбаев	Нөкис районы ХББ АОЭХБ баслыгы, комиссия ағзасы
		С.Артықбаев	Нөкис районы ХББ АОЭХБ бас канийгеси, комиссия ағзасы
		И.Минажов	Нөкис районы ХББ Кадрлар бойынша инспектор методист комиссия ағзасы
		А.Халмуратов	Нөкис районы ХББ АОЭХБ қанийгеси, комиссия ағзасы